

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2019 йил февраль ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди судьяси Р.Н.Камалова, халқ маслаҳатчилари Ш.Матюсупов ва М.Рузибаевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Рузметованинг котибалигида, тарафлардан Хоразм вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ж.Эргашев, судланувчи [REDACTED] ва унинг адвокати Р.Бекмедов, судланувчи [REDACTED] ва унинг адвокати Б.Курязованинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан судланувчи [REDACTED], Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан судланувчи [REDACTED] га нисбатан бўлган № 1-22-1907/6-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Судланувчи [REDACTED], 19[REDACTED] йил [REDACTED] июнь куни Хоразм вилоятининг [REDACTED] шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилалик 1 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, муқаддам

1) 1994 йил 11 августда Урганч шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 125-моддасининг 2-қисми билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, Хоразм вилоят судининг 1994 йил 20 сентябрдаги ажрими билан 1994 йил 19 августдаги “Амнисти тўғрисида”ги Қарорига асосан жазодан озод қилинган;

2) 1994 йил 16 апрелда Урганч шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “г” банди, 227-моддасининг 1-қисми билан судланиб, 8 йил, 8 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган, 2002 йил 22 апрелда Зарафшон шаҳар суди томонидан ЖКнинг 73-моддасига асосан жазонинг ўталмай қолган 1 йил, 9 ой, 18 кунидан шартли равишда озод қилинган;

3) 2003 йил 10 февраль куни жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди томонидан

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 3 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган, 2004 йил 24 сентябрда жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг ажрими билан жазонинг ўталмай қолган 1 йил 6 ой 13 куни ойлик иш ҳаққининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилган;

4) 2006 йил 16 май куни жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 168-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 59,60,61-моддалари тартибида 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, 2009 йил 23 апрелда жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг ажримига асосан жазонинг ўталмай қолган 2 йил 11 ой 12 куни ЖКнинг 74-моддаси тартибида ойлик иш ҳаққининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилган, 2009 йил 23 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси тартибида жазонинг ўталмаган 2 йил 9 ой 21 куни озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган;

5) 2009 йил 10 декабрь куни жиноят ишлари бўйича Янгибозор туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган ва ЖКнинг **34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган**, 2015 йил 23 апрелда жазони ўтиб бўлганлиги сабабли қамоқдан озод қилинган.

6) 2016 йил 16 май куни жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК

226-моддасининг 1-қисми билан судланиб, 3.256.000 сўм жарима жазоси тайинланган, жаримани 2016 йил 21 майда тўлиқ тўлаган; Урганч [REDACTED], “[REDACTED]” кўчаси, [REDACTED]-уйда яшайди, унга нисбатан 2018 йил 17 декабрь куни “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 20 январь куни олган.

Судланувчи [REDACTED], 19 [REDACTED] йил [REDACTED] апрель куни Хоразм вилоятининг [REDACTED] шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилалик 2 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта-махсус, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, муқаддам судланмаган, [REDACTED] шаҳар, [REDACTED] шаҳарчаси, “[REDACTED]” [REDACTED], [REDACTED]-йўлак, [REDACTED]-уйда яшайди, унга нисбатан 2018 йил 19 декабрь куни “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 20 январь куни олган.

Суд хайъати, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечириб, тарафларнинг фикрини, судланувчиларнинг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED], муқаддам 6 мартаба судланиб, шундан 2003 йил 10 февралда жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 3 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлишига қарамасдан, ўта хавфли рецидивист бўлишига қарамасдан, булардан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноятни қасдан содир қилган.

Жумладан, [REDACTED] 2018 йил 30 октябрь куни соат 11³⁰ да Урганч шаҳар Тинчлик кўчаси “Халқ банк” олдида бошқарувидаги “Нексия” русумли 90 [REDACTED] давлат рақам белгили автомашинаси Урганч шаҳри бўйича ИИО ФМБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, автомашинаси ва ёнларида сақланиши тақиқланган гиёҳвандлик воситаси бор-йўқлиги сўралганида, бошқарувидаги автомашинанинг салонидан, ўтказиш мақсадини кўзламасдан қонунга хилоф равишда сақлаб қўйган 15 дона тарикибида гиёҳвандлик воситасини сақловчи вазни 0,6 граммга тенг бўлган

кўп миқдордаги “Трамадол” гиёҳвандлик воситасини ўз ихтиёри билан чиқариб берган.

Судланувчи [REDACTED], илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс бўла туриб, ўтказиш мақсадини кўзламасдан қонунга хилоф равишда кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сақлашдан иборат бўлган жиноий қилмиши билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

Судланувчи [REDACTED], 2018 йил 30 октябрь куни соат 09⁰⁰ ларда, ўз яшаш жойи бўлган Урганч шаҳар Шифокорлар кўчаси [REDACTED]-уйида таниши [REDACTED] билан учрашиб, унга таркибида гиёҳвандлик воситасини сақловчи жами вазни 0,6 граммга тенг кўп миқдордаги 15 дона таблеткадан иборат бўлган “Трамадол” дори воситасини 37.500 сўмга қонунга хилоф равишда сотган.

Бундан ташқари, [REDACTED], ўзининг жиноий ҳаракатларини давом қилдириб, тақрибан, 2018 йил 30 октябрь куни соат 14³⁰ ларда ўзи истиқомат қилиб келаётган уйида Урганч шаҳри бўйича ИИО ФМБ ходимлари томонидан ўтказилган назорат тартибида гиёҳвандлик воситаси сотиб олиш тадбирига жалб қилинган махсус харидор [REDACTED] га ҳужжатлаштириб берилган 525.000 сўм пул эвазига кўп миқдордаги жами вазни 10 граммни ташкил қилувчи 200 дона таблеткада иборат бўлган, таркибида гиёҳвандлик воситасини сақловчи “Трамадол” дори воситасини қонунга хилоф равишда сотган.

Судланувчи [REDACTED], кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сотишдан иборат бўлган жиноий қилмиши билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисмида кўрсатилган жиноятни қасдан содир этган.

Шунга асосан, 2018 йил 30 октябрь куни ўтказилган тадбирдан кейин ИИБ ходимлари томонидан [REDACTED]нинг яшаш жойи Урганч шаҳар Шифокорлар кўчаси [REDACTED]-уйи кўздан кечирилганида, уйининг боғидаги Беҳи дарахтининг тагида жами вазни 190 граммга тенг бўлган 3800 дона таблетка ва капсула кўринишидаги, таркибида гиёҳвандлик воситасини сақловчи кўп миқдордаги “Трамадол” гиёҳвандлик воситасини келгусида қонунга хилоф равишда сотиб ўтказиш мақсадини кўзлаб, яширинча сақлаб қўйиб, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сотиш жиноятига суиқасд қилганлиги аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд қилишдан иборат бўлган жиноий қилмиши билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддасининг 5-қисмида кўрсатилган жиноятни қасдан содир қилган.

Судда судланувчи [REDACTED] қўйилган айбга қисман иқроорлик билдириб, [REDACTED] билан илгаридан танишлигини, ундан бир-икки марта “Трамадол” таблеткаларини олиб истеъмол қилганлигини,

чунки кўлининг ва белининг суяги синганлигини, шу дори оғриқни тўхтатишга ёрдам беришини, 2018 йил 30 октябрь куни эрталаб соат 9-00 лар вақтида “Нексия” русумли 90 [REDACTED] давлат рақам белгили автомашинасида [REDACTED]нинг уйига борганлигини ва ундан 37.500 сўмга савдолашиб 15 дона “Трамадол” дори таблеткаларини сотиб олганлигини, шу ерда 12.500 сўмни берганлигини, қолган пулини кейин беришини айтиб олиб кетганлигини, шу куни соат 11 гача 3 дона “Трамадол” дорисини ўзи истеъмол қилганлигини, соат 11 лар вақтида Урганч шаҳар Тинчлик кўчаси “Халқ банк” олдида “Нексия” русумли 90 [REDACTED] давлат рақам белгили автомашинасида кетаётган вақтида ИИБ ходимлари тўхтатганлигини ва ёнида гиёҳвандлик воситаси бор ёки йўқлигини сўраганлигини, уларга ёнида бор бўлган 12 дона “Трамадол” талбеткаларини чиқариб берганлигини, ИИБ ходимлари бу дориларни кимдан олганлигини сўраганлигини, у бўлган воқеаларни гапириб берганлигини, ИИБ ходимлари унга [REDACTED]ни жиноят устида ушлаб беришда ёрдам беришини сўраганлигини, у рози бўлганлигини ва бу ҳақда ДХХ Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи номига ариза берганлигини ва [REDACTED]нинг уяли телефонида кўнғироқ қилиб, унга яна “Трамадол” сотиб олмоқчи эканлигини айтганлигини, [REDACTED] уйда “Трамадол” борлигини уйига келишини айтганлигини, ИИБ ходимлари [REDACTED]дан “Трамадол” дорисини сотиб олиш учун 500.000 сўм пул ва эрталабки олган “Трамадол” дориси учун эса 25000 сўм пулларни расмийлаштириб берганлигини, шундан кейин ўзи [REDACTED]нинг уйига борганлигини ва унга 525.000 сўм пул бериб ундан 200 дона таблеткада “Трамадол” дорини сотиб олганлигини ва ИИБ ходимларига олиб келиб берганлигини, шундан кейин ИИБ ходимлари [REDACTED]нинг уйини кўздан кечиришганлигини, уйдан 525.000 сўм пул ва “Трамадол” дорилари топилганлигини, “Трамадол” дориларини гиёҳвандлик воситаси эканлигини билмаганлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини енгиллик қилишни айтиб кўрсатма берди.

Судда судланувчи [REDACTED], кўйилган айбга қисман иқрорлик билдириб, [REDACTED] билан илгаридан танишлигини, 2018 йил 30 октябрь куни соат 11 лар вақтида [REDACTED] унга телефон қилганлигини ва “Трамадол” дорисини истеъмол қилмоқчи эканлигини айтиб, шу дорини сўраганлигини, унга уйда “Трамадол” дориси борлигини, ҳар бир конвалютасини 25.000 сўмдан сотишини айтганлигини, [REDACTED] 20 конвалюта олишини айтганлигини, бироздан кейин [REDACTED] уйига келганлигини ва унга 20 конвалюта яъни 200 таблеткани 500.000 сўмга сотганлигини, [REDACTED]нинг ундан илгаридан 25.000 сўм қарзи бўлганлигини, шунинг учун 525.000 сўм берганлигини, ундан пулларни олиб уни кузатиб кўяётган вақтида фуқаролик кийимидаги шахсларнинг уйига келаётганлигини кўриб қолганлигини ва уйда бор бўлган 380 конвалюта яъни 3800 дона таблетка “Трамадол” дорисини уйининг боғидаги дарахтлар тагига ташлаб, ўзи боғ девордан ўтиб қочиб кетганлигини, ИИБ ходимлари уйини текширишганида онаси

██████████ истеъмол қилиб ўтирган 5 дон таблетка “Трамадол” дорисини ва боғдаги дарахтлар тагига ташлаб кетган 380 конвалюта “Трамадол” дорисини топиб олишганлигини ва хужжатлаштиришганлигини, ушбу “Трамадол” дорларини 2018 йил август ойида Хазорасп туманида яшовчи ██████████ исмли шахсдан 420 конвалютани 7.800.000 сўмга сотиб олганлигини, лекин ██████████ ни танимаслигини, унинг телефон рақамини онаси ██████████ дан олганлигини, ██████████ билан телефон орқали гаплашганлигини, у такси билан ушбу дориларни бериб юборганлигини, ██████████ га илгари яъни 2018 йил 30 октябрь куни соат 9-⁰⁰ лар вақтида “Трамадол” дорисини сотмаганлигини, ██████████ унга тухмат қилиб турганлигини, онаси ██████████ оғир касалликка чалинганлигини, шунинг учун “Трамадол” дорисини истеъмол қилишини, онаси ҳозирги вақтда ўрнидан тура олмаслигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушмаймонлигини, енгиллик қилишни сўраб кўрсатма берди.

Судланувчи ██████████ ва ██████████ нинг айби судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган гувоҳ ██████████ нинг, Урганч шаҳри бўйича ИИО ФМБ ЖКБ тезкор вакили бўлиб ишлашлигини, ██████████ нинг “Трамадол” дори воситасини сақлаб келаётганлиги юзасидан, 2018 йил 30 октябрь куни Урганч шаҳри бўйича ИИО ФМБ ЖКБ ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида тезкор тадбир ўтказилганлигини, тадбир давомида ██████████ нинг “Нексия” русумли 90 ██████████ давлат рақам белгилли атомашинаси Урганч шаҳри, Тинчлик кўчасидаги “Халқ банки” рўпарасида тўхтатилиб, ██████████ дан ёнида гиёҳвандлик воситаси бор ёки йўқлиги сўралганида, у ўзининг ёнидан 12 дон “Трамадол” таблеткаларини чиқариб берганлигини, ундан ушбу “Трамадол” таблеткаларини кимдан олганлиги сўралганида у “Трамадол” таблеткаларини Урганч шаҳри, Шифокорлар кўчасида яшовчи ██████████ дан олганлигини айтганлигини, шундан кейин ██████████ га ██████████ дан яна “Трамадол” гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб, ██████████ ни ушлашда ёрдам беришни сўралганида, у бунга рози бўлганлигини ва бу ҳақда ўз ихтиёри билан ариза ёзиб берганлигини, ██████████ ўзининг уяли телефони орқали ██████████ га кўнғироқ қилиб, ундан “Трамадол” дорисини сотиб олмоқчи эканлигини айтганлигини, ██████████ рози бўлганлигини, шундан кейин ██████████ га ҳолислар иштирокида 525.000 сўм пул расмийлаштирилиб берилганлигини ва уни ██████████ нинг уйига юбориб, ўзлари эса ҳолислар иштирокида уни кузатишганлигини, ██████████ ██████████ нинг Урганч шаҳар, Шифокорлар кўчаси, 4-йўлак, ██████████ -уйига келиб, ██████████ дан 20 конвалютадаги 200 дон таблетка “Трамадол ланнахер” дори воситасини олиб чиққанлигини, ██████████ ██████████ га 525.000 сўм пулларни берганлигини айтганлигини, шундан кейин тадбир иштирокчилари билан биргаликда ██████████ нинг уйига киришганлигини, ██████████ уйининг боғ томонидан чиқиб қочиб кетганлигини, унинг уйи ва ёрдамчи хўжаликлари кўздан кечирилганида уйининг боғ томонидаги Беҳи дарахтининг тагидан қора рангли салафанга солинган 300 конвалюта таблетка ва 80 конвалюта капсуладан иборат

“Трамадол Ланнахер” дори воситаси топиб олиниб хужжатлаштирилганлигини, [REDACTED]нинг хонасидан 5 капсула “Трамадол Ланнахер” дори воситаси топилганлигини, 5 капсула “Трамадол Ланнахер” дори воситаси унинг онаси [REDACTED]га тегишли эканлиги, у ушбу дорини ўзи истеъмол қилаётганлигини айтганлигини, бўлиб ўтган тадбир юзасидан баённома тузилганлигини айтиб берган кўрсатмаси билан;

Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган гувоҳ [REDACTED]нинг, 2018 йил 30 октябрь куни ўз ишлари билан Урганч шаҳар ИИБ олдидан ўтиб бораётган вақтида, Урганч шаҳар ИИБ ходимлари бир ишда холис бўлиб иштирок этишни илтимос қилишганлигини, у рози бўлганлигини, ИИБ ходимлари тадбир ўтказишганлигини, тадбир давомида Урганч шаҳри, Тинчлик кўчасидаги “Халқ банки” олдида [REDACTED]нинг “Нексия” русумли 90 [REDACTED] давлат рақам белгили атомашинаси тўхтатилиб, [REDACTED]га ёнида гиёҳвандлик воситаси бор ёки йўқлиги сўралганлигини, у ўзининг ёнидан 12 дона “Трамадол” таблеткаларини чиқариб берганлигини, ундан ушбу “Трамадол” таблеткаларини кимдан олганлиги сўралганида, у “Трамадол” таблеткаларини Урганч шаҳри, Шифокорлар кўчасида яшовчи [REDACTED]дан олганлигини айтганлигини, шундан кейин [REDACTED]га [REDACTED]дан “Трамадол” гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб, уни ушлашда ёрдам беришни сўралганида, у бунга рози бўлганлигини, [REDACTED] ўзининг уяли телефони орқали [REDACTED]га кўнғироқ қилиб, ундан “Трамадол” дорисини сотиб олмоқчи эканлигини айтганлигини, [REDACTED] рози бўлганлигини, шундан кейин [REDACTED]га холислар иштирокида 525.000 сўм пул расмийлаштирилиб берилганлигини ва уни [REDACTED]нинг уйига юбориб, ИИБ ходимлари билан уни кузатишганлигини, [REDACTED]нинг Урганч шаҳар, Шифокорлар кўчаси, 4-йўлак, [REDACTED]-уйига келиб, [REDACTED]дан 20 конвалютадаги 200 дона таблетка “Трамадол Ланнахер” дори воситасини олиб чиққанлигини, [REDACTED]га 525.000 сўм пулларни берганлигини айтганлигини, шундан кейин тадбир иштирокчилари билан биргаликда [REDACTED]нинг уйига киришганлигини, [REDACTED] уйининг боғ томонидан чиқиб қочиб кетганлигини, унинг уйи ва ёрдамчи хўжаликлари кўздан кечирилганида уйининг боғ томонидаги Беҳи дарахтининг тагидан қора рангли салафанга солинган 300 конвалюта таблетка ва 80 конвалюта капсуладан иборат “Трамадол Ланнахер” дори воситаси топиб олиниб хужжатлаштирилганлигини, [REDACTED]нинг хонасидан 5 капсула “Трамадол Ланнахер” дори воситаси топилганлигини, 5 капсула “Трамадол Ланнахер” дори воситаси унинг онаси [REDACTED]га тегишли эканлиги, у ушбу дорини ўзи истеъмол қилаётганлигини айтганлигини, бўлиб ўтган тадбир юзасидан баённома тузилганлигини айтиб берган кўрсатмаси билан;

Шунингдек, судда мажлисига чақирилиб, лекин узрли сабабларга кўра судга етиб келаолмаган гувоҳлар [REDACTED], [REDACTED],

қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан;

Судланувчи []нинг кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сотишдан иборат бўлган жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Лекин суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи []га нисбатан унинг уйдан топиб олинган яшаш жойи Урганч шаҳар Шифокорлар кўчаси []-уйининг боғ томонидаги “Беҳи” дарахтининг тагида жами вазни 190 граммга тенг бўлган 3800 дона таблетка ва капсула кўринишидаги, таркибида гиёҳвандлик воситасини сақловчи кўп миқдордаги “Трамадол” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганликда Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан қўйилган айбни, ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги **“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муамала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисидаги”** 12-сонли қарорининг 21-бандида, Шахснинг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш учун ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан жавобгарлик уларнинг миқдори билан боғлиқ ҳолда келиб чиқиши;

Айбдор томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларнинг фақат бир қисми сотилиб, қолган қисми кейинчалик суриштирув ёки дастлабки тергов давомида аниқланса, жавобгарлик қонунга хилоф равишда ўтказиш ва қонунга хилоф равишда сақлаш учун алоҳида-алоҳида (агар мазкур восита ва моддаларни ўтказишга нисбатан қасд аниқланмаган бўлса) уларнинг миқдorigа боғлиқ равишда келиб чиқиши ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судда судланувчи []нинг []га 2018 йил 30 октябрь куни соат 9-⁰⁰ лар вақтида 15 таблетка “Трамадол” дорисини сотмаганлиги, [] унга тухмат қилиб турганлиги ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмади деб ҳисоблайди.

Чунки судда [], []дан 2018 йил 30 октябрь куни соат 9-⁰⁰ лар вақтида 15 таблетка “Трамадол” дорисини 37.500 сўмга савдолашиб сотиб олганлигини ва шу пулнинг 12.500 сўмини шу вақтда берганлигини, қолган 25.000 сўм пулини эса назорат тартибида 20 канвалюта сотиб олаётган вақтида берганлигини айтиб кўрсатма берди.

Суд, судланувчи []га нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига қисман иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифномага эга эканлигини, оиласида ягона боқувчи эканлигини, онаси []нинг оғир хасталикка чалинганлигини, муқаддам судланмаганлигини, 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўлланиб, мазкур

жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлашни;

Судланувчи [REDACTED] га нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига қисман иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, 1 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, шунинг билан биргаликда мукаддам қасддан содир қилган жинояти учун судланганлигини инобатга олиб жазо тайинлашни, шунингдек, 2009 йил 10 декабрь куни жиноят ишлари бўйича Янгибозор туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, ЖКнинг **34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги сабабли**, унга нисбатан тайинланган жазони махсус тартибли колонияларда ўташликни белгилашни лозим топади.

Бинобарин, суд хайъати Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 462, 463, 465-468, 471-473 моддаларини кўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан айбли деб топилсин.

Судланувчи [REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазони махсус тартибли колонияларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2019 йил 15 февралдан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи [REDACTED] нинг гаров эҳтиёт чораси бекор қилиниб, суд залидан қамокқа олинсин.

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми ва ЖК 25, 273-моддасининг 5-қисми билан айбли деб топилсин.

Судланувчи [REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25, 273-моддасининг 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жиноятлар мажмуи тариқасида Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман кўшиш йўли билан узил-кесил ўташлик учун 5 (беш) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин.

Судланувчи [REDACTED] нинг гаров эҳтиёт чораси

бекор қилиниб, суд залидан қамоққа олинсин.

Жазони ўташ муддати 2019 йил 15 февралдан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач [] томонидан []нинг гаров эҳтиёт чораси сифатида қўйилган, “Ипотека” банкка топширилган 4.200.000 сўм пул [] қайтиб берилсин.

Судланувчи [] томондан гаров эҳтиёт чораси сифатида қўйилган, 2018 йил 28 ноябрда “Ипотека” банкка топширилган 5.000.000 сўм ва 2018 йил 29 ноябрда топирилган 5.000.000 сўм О.Жуманязовнинг турмуш ўртоғи []га қайтиб берилсин.

Ашёвий далил, Урганч шаҳри бўйича ИИО ФМБ да сақланиб турган “Трамадол Ланнахер” гиёҳвандлик воситалари тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб 10 сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида, жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

имзо

Р.Н.Камалова

Халқ маслаҳатчилари:

Ш.Матюсупов

М.Рузибаев

Аслига тўғри: